O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 4 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 77 (7272)

Da'vat

Соғлом одам табиатнинг бебаҳо асаридир.

Томас КАРЛЕЙЛ.

Ibrat

Чимбой туманидаги 36-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бундан 10 йил муқаддам бошланиб тўхтаб қолган мактаб қурилиши мактаб раҳбариятининг жонкуярлиги боис тез фурсатда якунланиб, 3 миллион 700 минг сўмлик жиҳозлар келтирилди.

СПОРТ ҚАЧОН БОШ МАВЗУГА АЙЛАНАДИ?

Yangilik

Дунё журналистикасида тан олинган ва унга амал қилинадиган ўзига хос қонуниятлар мавжуд. Дейлик газеталарнинг биринчи саҳифасида, телерадио янгиликларининг бошланишида (биринчи блокида) доим сиёсий янгиликлар қўйилади. Шу тариқа иқтисод, маданият, спорт янгиликлари кейинги саҳифалардан ўрин олади. Масалан, спорт оламидаги янгиликлар асосан охирги саҳифада берилади. Бироқ шундай пайтлар ҳам бўладики спорт ҳам миллат учун биринчи даражали воқеага айланади. Россия телеканалининг янгиликлар дастури Сидней олимпиадасида олтин медаль соҳиби бўлган машҳур теннис устаси Евгений Кафельниковга доир янгилик билан бошлаганида, тўғриси, ҳавасим келди. "Бизнинг газеталар, телеянгиликлар дастурлари биринчи каломни Сиднейдан бошлашармикан?" Бу гап мазмунидаги орзу ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагида бор эди. Олимпиаданинг сўнгги кунида бу воқеа содир бўлди. Ватандошимиз бокс бўйича жаҳон чемпиони, жаҳон кубоги соҳиби Муҳаммадқодир Абдуллаев финалда америкалик боксчини мағлубиятга (27:20) учратиб асримизнинг сўнгги олимпиадаси сўнгги кунида олтин медални қўлга киритди. Бугун бу янгилик газеталар ва телерадио янгиликлари дастурининг биринчи саҳифасидадир.

"Нега шундай" деган саволга журналистика факультети талабалари: биринчидан, олимпиада жаҳондаги энг катта спорт мусобақаси; иккинчидан, олтин медал мусобақанинг энг юқори поғонаси; учинчидан, барчанинг эътиборини тортадиган бу жойда Ўзбекистон байроғи кўтарилади, гимни янграйди; тўртинчидан, мустақил Ўзбекистонни ер юзидаги яна бир қанча фуқаро эшитади, билади, юртимизнинг довруғи янада ошади, дейишлари лозим. Бешинчи сабаб мазкур спорт янгилигининг сиёсий аҳамиятига ҳам эгалигини кўрсатади. Бундан ташқари, яна бир қанча янгиликка муносиб жиҳатлари бор. Муҳаммадқодир Абдуллаевга Ўзбекистон Республикаси Президентининг юборган телеграммаси бир янгилик бўлса, спортчининг Президент фармонига кўра, 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофотни қўлга киритгани ҳам ўзига хос янгиликдир. Бу олтин медал умумкоманда ҳисобида Ўзбекистонни ўтган олимпиада ўйинларига қараганда юқорироқ ўринга кўтарди. Хуллас, бу воқеа том маънодаги янгиликдир.

Х. ОМОНОВ

P.S. Кеча Сиднейдан олимпиада қатнашчилари қайтиб келдилар.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган ушбу суратда: Тошкент аэропортида олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевни кутиб олиш учун чиққан юртдошларимиз орасида бутун ўзбек халқининг қувончини ўз табассумида мужассам этган ўғлоннинг онаси ҳам бор эди.

ТИНИҚИБ КЕЛАЁТГАН «ВУЛҚОН»

Jarayon

Дарё суви лойқаланганда тиниқиш ҳамиша унинг илк манбасидан бошланиб келган. Табиатнинг ушбу азалий қоидасини жамиятга нисбатан қўллайдиган бўлсак, заҳарланган онгнинг тозаланиши, торайган тафаккурнинг кенгайиши, умуман олганда жамият соғломлашувининг бошланғич нуқтаси дея нимани кўрсатиш мумкин? Мамлакатимизнинг мустақил давлат сифатида шаклланиш жараёнини изчил ва холис кузатиб келаётган ҳар бир киши шу саволга аниқ жавоб топишига шубҳа йўқ. Негаки, ҳукуматимиз давлат тараққиётининг, жамият соғломлашувининг туб асоси таълим-тарбияда, унга доимий эътибор зарур ва бу иш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, деган тамойилларга содиқ бўлиб келмоқда.

Маълумки, янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингач, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар жараёни ўзгача бир маъно-мазмун касб этиб, жадал суръатда давом эттирила бошланди. Бу каби маълум бир мақсадларни, маълум бир муддатларда бажарилиши лозим бўлган улкан вазифаларни ўзида жамлаган ҳужжатларнинг нақадар ҳаётийлигини уларни амалга ошириш жараёнида эришилаётган ютуқлар намоён этиб турибди. Биргина мисол: янги ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасида 9 та, Андижонда 14 та, Бухорода 8 та, Жиззахда 5 та, Қашқадарёда 7 та, Навоийда 2 та, Наманганда 15 та, Самарқандда 11 та, Сирдарёда 5 та, Сурхондарёда 10 та, Фарғонада 12 та, Хоразмда 9 та, Тошкент вилоятида 7 та ва Тошкент шаҳрида 9 та янги касб-ҳунар коллежлари ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, республикамизда 18 та янги академик лицейлар ташкил этилди.

Шу ўринда холис бир кишининг — Олий мактаб Халқаро фанлар академиясининг Президенти, профессор Валентин Шукшуновнинг қуйидаги фикрини келтирамиз: *"Дунёнинг бирор мамлакатида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, мазкур муаммони ҳал қилишда янгича илмий жиҳатдан ёндашиш, бундай кенг кўламли дастурга давлат бошлиғи раҳбарлик қилиши учрамайди".* Эътироф этилган ушбу эътиборнинг натижасини биз бугун янгидан қурилган илм масканлари кўркамлигида, уларнинг энг замонавий ўқув ишлаб чиқариш жиҳозлари билан безалганида кўриб турибмиз. Президентимизнинг касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг тантанали очилиши маросимларида шахсан иштирок этишларида бу эътиборнинг аҳамиятини тушуниб етмоқдамиз. Буларни бизга ҳаяжонли ва ўз ўрнида дадил айтилган қуйидаги сўзлар англатмоқда:

Жасур БАҲРОМОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи ўқувчиси:

—Президентимизнинг лицейимизга ташрифи, барчамиз билан шахсан кўл бериб кўришиши мени жуда ҳам ҳаяжонлантириб юборди. Мен Юртбошимизнинг ҳар бир сўзида, эзгу тилакларида бизга бўлган катта ишончни яқиндан ҳис этдим. Биз ушбу юксак ишончни оқлашимиз, асосийси яхши ўқишимиз керак.

Нилуфар ТУРСУНОВА, Собир Раҳимов туманидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси:

—Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 2 сентябрь куни коллежимизнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар. Сўнг биз компьютер хонасида машғулот ўтаётган хонага кирдилар. Ҳаммамиз ҳаяжонланиб кетдик. Юртбошимиз биз билан жуда самимий суҳбатлашдилар. Ўзаро савол-жавоб бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Istiqlol ma'rifati

Муҳаммад ҚУРОНОВ

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ: УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Олтинчи мақола

Ўтган галги мақоламизда мафкуравий тарбиянинг айрим назарий масалаларига тўхталган эдик. Энди ёшларимизни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг айрим амалий услуб жиҳатларига тўхталишга жазм қилдик. Мақсад — имконимиз даражасида миллий мафкурани халқимиз қалби ва онгига сингдиришга, мафкуравий тарбия услубиятини бойитишга, баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдир.

Мафкуравий тарбияни ҳаёт билан боғлашда Сурхондарёнинг Сариосиё туманида Ватанимизни ҳимоя қилиб ҳалок бўлган 12 нафар ўзбек йигитларининг таржимаи ҳолидан фойдаланиш лозим. Уларнинг талабаларга юртдош, тенгдош бўлганлиги, талабаларнинг тинч билим олиши, ўқиши, ота-оналар бахтини кўриқлаб, жон бергани урғуланади. Мафкуравий тарбия самарадорлигини оширишда талабаларнинг миллий ориятини уйғотиш усули қўл келади. "Мусулмон биродарлар" ҳаракатининг, умуман ваҳҳобийлик, ҳизбут таҳрирчиларнинг миллат масаласига муносабати, муддаоси қандай? Уларнинг ғояси "Мусулмонлар — бир миллат!", деб одамларнинг миллий туйғулари, миллий бирлигини парчалаб, пароканда қилишга қаратилган.

Ваҳоланки, миллатлар Оллоҳ иродаси билан, Қуръон шаҳодати билан бир-бирларига тенг қилиб қўйилган. Халқларни ўз миллийлигидан ажратиш бу — Қуръондаги миллатлар масаласининг адолатли ечимини очиқ инкор қилишни англатади. Демак, бугун биз ўз миллатимизни ҳимоя қилсак, Қуръонга амал қилган бўламиз. Чунки ўзбеклар кам — мусулмонлар кўп. Ўзбек давлати — битта, мусулмонлар яшайдиган давлатлар кўп. Улар бизни ўз давлатимиздан, ўз тилимиздан, ўзбеклигимиздан, Ватанимиздан айирмоқчи. Энди ўз озод давлатимизга эга бўлиб, ўзбекларни дунё таниб, тан ола бошлаган бир пайтда яна қулликни бизга илишмоқчи. Мусулмон миллатига кириш учун биз ватанимиздан, озодлигимиздан, тилимиздан, ўзбеклигимиздан воз кечишимиз керак эмиш. Бу шартга рози бўладиган ўзбек топиладими? Агар топилса, у тахминан шундай фикрлайди: "Яхши қараб, боқса бўлдида. Қаерда, қандай давлат, қайси миллатда яшашнинг фарқи нима?" Афсуски бундайлар, яъни ҳали қуллик занжирини сандиғида асраб юрган ўзбеклар ҳам топиладяпти. Ваҳҳобий, ҳизбчи ўзбеклар ўз миллатига кишан ясаётган ана шундай қуллардир.

Хотин-қизлар, талаба қизлар орасида ҳижобга кириш, қоп-қора кийим кийиш ҳоллари учрамоқда. Бу нафақат маданий, диний, балки сиёсий масала. Ўз халқи анъаналарига зид (қора) ранг либосга ўраниб, буни намойишкорона кийиб маҳаллага чиқишнинг ўзиёқ ёт мафкура тарғиботига хизмат қилади. Бунга қарши курашганда ҳам миллий туйғулардан унумли фойдаланиш мумкин ва керак. Токи ўзбек аёли, қизининг маҳалла, кўчага қоп-қора кийиниб чиқиши, маҳалла, кўчага яримяланғоч, "мини-юпка"да чиқишидек, ўзбеклар шаънига, ҳурматсизлик эканлигини, ўзбек қизи бўлиб туриб, ота-боболари маънавияти, маданиятини беписандлик билан ташвиқот қилаётганлигини уларга эслатиш керак.

Буни ҳар бир ўзбек қўллаб-қувватлаши, уларнинг миллий виждонини уйғотиб, шундай танг муносабатни ҳосил қиладики, эртаси куни у қиз яна ўзлигига, ота-боболари мазҳабига қайтганидан жони ҳаловат топади. Виждон азобидан қутулади.

Шу тариқа талабалар онгига "ўзбек миллати", "мусулмон миллати" тушунчалари орасидаги фарқни уқтириш лозим. Бунинг далили Қуръони каримда бор. Унда "бир-бирингизни яхшироқ танишингиз учун миллатларга бўлдик", дейилади. А.Соғуний "бошқа миллатга ўтиш — бегона одамни ота дегандек бўлади", дейди. Ана шу мисоллар тингловчи талабаларнинг миллий ғурурини, ориятини уйғотади. Уйғоқ миллий ғурур, уйғоқ орият "Мусулмон миллати", "халифалик" каби сохта ғояларни ғоялар қалқон бўлувчи қояга айланади.

(Давоми 2-бетда)

ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН МАСКАН

Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами арафасида Избоскан туманининг Пойтуғ шаҳрида қад ростлаган янги касб-ҳунар коллежи бутун туман халқи учун бир умрлик байрам совғаси бўлди.

Умумий майдони 4 гектар жойни эгаллаган ва Избосканнинг энг кўркам кошонасига айланган ушбу коллеж қисқа давр — 7 ой ичида битказилиб, ўқувчиларни ўз бағрига олди. Жами 300 ўринга мўлжалланган мазкур коллежга янги ўқув йилида 100 нафар ўқувчи танлаб олинди. Улар ҳуқуқшунос-иқтисодчи, банк ва банк иши, иқтисодчи, педагогика ва психология мутахассисликлари бўйича таълим-тарбия олмоқдалар.

Коллежда ўқувчиларнинг малакали кадр бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий компьютерлар, лингафон хонаси, шинам ва ораста ошхона, замон талабларига жавоб берадиган спорт ва мажлислар зали ўқувчилар ихтиёрида. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўз билим доирасини доимий ўстириб боришлари учун 10 минг китобга эга бўлган кутубхона ҳам мавжуд. Аудиториялар ҳам ҳар бир ўқитиладиган фан учун махсус жиҳозланиб, ҳар бирига телевизор қўйилган.

— Бундай кўркам билим маскани туманимизда илк бор қурилди, — дейди коллеж директори Рустамжон Усмонов. — Коллеж қурилиши шу йилнинг 5 февралида бошланган эди. Мана, қисқа давр ичида битказилиб, ўз фаолиятини бошлади. Бунда Одилжон Аҳмедов бошчилигидаги 119-хўжаликлараро механизациялашган кўчма қурилиш бошқармаси ишчиларининг фидокорона меҳнатлари бор, албатта.

Коллежимизда ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча қулайлик мавжуд. Лекин бунинг ўзи етарли бўлмайди, менимча. Билимли кадр тайёрлаш учун кучли ва ҳар томонлама етук билимга эга бўлган ўқитувчилар ҳам керак. Шуларни назарда тутиб, май ойида туман ҳокимияти томонидан туман ХТБда махсус комиссия тузилди. Ушбу комиссия танлов асосида педагогларни саралаб олди. Танлаб олинган ушбу педагогларимиз Тошкентда ўз малакаларини ошириб, махсус сертификат олиб қайтдилар. Кейинчалик "Устоз" жамғармаси орқали ўз ўқитувчиларимизни чет элларга ҳам жўнатиб билимларини ошириб бормоқчимиз.

Коллеж қурилишига бош-қош бўлган туман ҳокими С.Бегалиев ишни дарахт ва гул эктиришдан бошлади. Барча туман аҳолиси қўлидан келганча ёрдам берди. Туман мактаб ўқитувчилари коллеж учун 10000 дона тувакда гул тайёрлаб бердилар. Қарабсизки, коллеж очилган куни йиғилганларни нафақат коллежнинг салобатию, фавворалларнинг кўкка интилиши, балки алвон очилган чаманзорлару, турфа манзарали дарахтлар ҳам ҳайратга солди.

— Коллеж қурилиши бошланганда "Коллеж қандай бўлиши керак?" деган савол ўртага ташланди, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати С.Бегалиев. — Шу боис, биз сўровномалар асосида аҳолимиз фикрини ўргандик. Туманимиз аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги меҳнати билан банд. Бугунги кун қишлоқ хўжалиги ҳам тажрибали мутахассисларни талаб қилмоқда. Шуларни инобатга олиб, туман ХТБ ташхис маркази ҳамда туман меҳнат биржаси ҳамкорлигида иш олиб бордик. Натижада туманимизга зарур бўлган мутахассисларни ўз коллежимизда тайёрлашни бошладик. Яна шуни айтиб ўтмоқчиманки, коллеж қурилишида фақат лойиҳага қараб қолмадик. Туманимиз аҳолисининг, маҳаллий қурувчиларимизнинг фикридан келиб чиқиб иш олиб бордик. Коллежнинг пардозлаш ишлари, ҳатто ранги ҳам ўртага ташланган фикрлар натижасида амалга оширилди. Ушбу коллеж қурилиши учун 553 млн. 400 минг сўм сарфланди. Ҳукуматимизнинг таълимга бўлган бундай катта эътибори эртага, албатта, ўз натижасини беради.

Ота-онасидан, уйидан йироқ бўлмаган масканда ўз севган мутахассислиги бўйича таълим олишга имконият туғилганидан коллеж ўқувчиларининг қувончи чексиз.

Республикамизда қурилаётган бундай коллежлар биринчиси ёки охиргиси эмас. Ҳали юзлаб қурилади бу каби илм масканлари. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида давлатимиз таълим йўналишига, ёшларнинг билим олишларига ҳеч қандай баҳоналарсиз имконият яратиб бераётганлиги эртани ўйлаб қилинаётган одил сиёсат натижасидир. Кун келиб бундай улуғ кошоналарда таълим олаётган йигит-қизлар жамиятимиз корига ярайдиган мутахассислар бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Маърифат" мухбири

Суратда: коллежнинг умумий кўриниши.

JUMLADA JAHON

• 2 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Исмоил Жемни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистонга расмий ташрифи кунлари Жалолобод вилоятида Олим Ботиров номидаги Халқлар Дўстлиги университети очилди.

• Вазирлар Маҳкамасида ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссиясининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

• Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессиясида "Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Соғлом авлод" Давлат дастури вилоятда қандай бажарилаётгани тўғрисида"ги масала муҳокама этилди.

• Умумжаҳон банки Қирғизистон ҳукумати томонидан мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаши ҳамда шу мақсадлар учун 35 миллион доллар ажратишини маълум қилди.

• Югославияда ярим миллионга яқин намойишчи демократик мухолифат вакили, президентликка номзод Воислав Коштуница ғалабасини қўллаб-қувватлаб, Белград кўчаларига чиқди.

• Коррупцияда айбланаётган собиқ президент Сухарто ўзининг иши кўрилаётган судга келмагани сабабли, Индонезия пойтахтида янги намойишлар бошланди.

• Буюк Британия ҳукумати Югославияга нисбатан қўлланилиб келаётган иқтисодий жазо чоралари бекор қилинишига қарши эканини маълум қилди.

Мафкуравий курашлар ўзининг бой тарихига, воситаларига эга. Айниқса, XX асрга келиб, миш-мишлар тарқатиш, мафкуравий кураш қуроли сифатида такомиллашди.

Бугун таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат ўқитувчи, ўқувчи, балки ота-оналар онгида ҳам янгиланишларни юзага келтирмоқда.

Ma'rifat

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ: УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Олтинчи мақола

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз мафкуравий курашлар шароитида яшаяпмиз, ишлаяпмиз. Буни, энг аввало, тарғиботчи-тадқиқотчи, мафкурачи, профессор-ўқитувчилар чуқур англаб, мафкуравий тарбияни кураш режимига кўтаришимиз керак. Шу пайтгача ўзбек ёшларининг бир нечтаси душманларимизга эргашиб кетган бўлса, бу бизнинг мафкуравий кураш, қарши кураш усулларини қўлламаганлигимиз оқибатида содир бўлади. Энди бу ҳолга чек қўймоқ керак.

Биз ўз аудиториямизда, кафедраларимизда туриб, душманларимизнинг қуролларини тортиб олишимиз керак. Токи бизга, ёшларимизга ўқталган қурол отилмасин, отилса ҳам тегмасин тегса ҳам заҳарлай олмасин. Мен мафкуравий қуролларни назарда тутяпман. Мафкуравий қурол бу ғанимларимиз тарқатаётган варақалар, Ўзбекистондаги барқ-арорликни бузишга ёлланган радиостанциялар, экстремистик адабиётлар, эркак ва аёл даъватчилар тарқатаётган уйдирма гаплардир. Душманни мафкуравий қуролсизлантириш — унинг бизга қарши айтган, айтадиган ғояларини олдиндан пучга чиқариш, аҳоли мафкуравий иммунитетини шакллантириш демакдир.

Бу қандай амалга ошади? Дастлаб уларнинг мақсадлари ҳар бир ўзбекистонликка қарши қаратилганлиги кўрсатилади. Ундан кейин уларнинг кураш усуллари ўрганилиб, ўзбекистонликларга "Сизни авраш учун мана бундай усулларни қўллаган киши билиб қўйинг, сизнинг, бизнинг — барчамизнинг душманларимиздир", деб, услублари кўрсатилади. Диний ақидапарастлар содда халқимизни алдаш учун ишлатилаётган қуйидаги услублар шарҳланади:

1. Мафкуравий объект хусусиятларини ҳисобга олиб таъсир кўрсатиш.

Душман ўзини бир ўрта ёшли ва ўрта маълумотли ўзбек билан гаплашаётгандек тутади. Ҳозир барча МДҲ мамлакатларида бор бўлган ўтиш даври иқтисодий муаммоларини "ҳаммага дуч келган ўтиш даври муаммолари-да!" деб эмас, балки аксинча, "фақат Ўзбекистонда бор" деб алдайди. Ўзбекистон тараққиётида МДҲнинг кўплаб давлатларидан устун эканлигини зинҳор ва зинҳор айтмайди. Бу эса мафкураси бўш айрим ўзбекларда нотўғри муносабатни пайдо қилиши мумкинлигига умид боғлашади.

2. Ўзбекистон халқига, давлатига, миллатлараро тотувликка қарши миш-мишлар тарқатиш.

Мафкуравий курашлар ўзининг бой тарихига, воситаларига эга. Айниқса, XX асрга келиб, миш-мишлар тарқатиш, мафкуравий кураш қуроли сифатида такомиллашди. Миш-мишларнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий мазмунидаги "фалон жойда шундай бўлар эмиш", "шундай бўлибди", деб "ваҳимага солувчи", "тажовузкор", "жамиятни бўлиб ташловчи" турлари бор. Масалан, варақа тарқатиш усули. Бу усул иккинчи жаҳон урушида ҳам, АҚШ ва Вьетнам урушларида ҳам мафкуравий кураш қуроли сифатида қўлланилган эди. Ҳозир ҳам жаҳон мафкуравий кураш тактикасида миш-миш тарқатиш (дезинформация) усули радио, ТВ, газета-журналлар орқали тарғибот ва ташвиқот қилиш билан бир даражага қўйилади. Бу соҳа бўйича махсус илмий тадқиқот муасссалари мавжуд. Диний ақидапарастлар бу усуллардан фойдаланишмоқда. Демак, биз бу усулга лоқайд бўлмаслигимиз, балки қарши курашмоғимиз шарт.

Шунингдек, душманларимиз хусусий фактни умумлаштириш (экстраполяция); ҳақиқатга ўхшатиш; кичик муаммодан катта ёлғон ясаш; бир нарсани такрорлайвериш; туйғуни ақлдан устун қўйиш; гўёки тингловчининг шахсий манфаатини биринчи ўринга қўйиб, унга дўст бўлиб кўриниш, ҳукуматларни халқларга ёмон кўрсатиш, миллат душманларига раҳмдиллик, ҳамфикрлик туйғуларини уйғотиш; одамларга таниш, қадрдон маълумотларни ишлатиш (фалон жойда фалон воқеа бўлди) ва ҳоказо услублардан мафкуравий курашда фойдаланяпти. Биз бу усулларни таъсирсизлантиришимиз керак.

Содда қилиб айтганда, мафкура тарғиботи энг аввало одамларнинг кўзига, қулоғига йўналтирилиши керак. Чунки ҳар бир мафкура таъсирли кўринишга, таъсирли эшитилишга интилади.

Мафкуралар тўқнашуви нафақат динийлик ва дунёвийлик, турли давлатлар, одамлар орасида, балки ҳар бир кишининг миясидаги эски ва янгича қарашлар орасида ҳам давом этмоқда. Бир томондан эскича, миллат учун зарарли фикр, иккинчи томондан янги, яхши фикр, миллат ва ўз манфаатини уйғун қўйишда намоён бўлмоқда. Одам ҳар қандай қарорга келишидан олдин унинг онгида фикрлар олишуви кетади. Бизга янги, истиқлолий фикр ғалабаси керак. Бунинг учун мафкуравий вазиятлар қанча кўп, тез, ранг-баранг кўрсатилса, одамларнинг мафкуравий ҳушёрлиги шунча оша боради. Бу эса ёмонликни, мафкуравий мухолифларимизни кучсизлантиради, куролсизлантиради. Содир бўлиши мумкин бўлган қатор мафкуравий оғиш, иродасизлик, жиноят, қонунбузарликларнинг олди олинади. Яхшилик, тўғрилик ғалабаси тайёрланади.

Ана шундай усуллардан бири — миллий ғоя, миллий мафкура моҳиятини талабаларга кўрсатиш, тасвирлашдир. Шу вақтгача бу ғоялар матн парчаси сифатида ёзиб, ёки ўқиб, ёки иккаласини ҳам бирга амалга ошириб келинмоқда. Бу усул ҳам самарали. Лекин тарғибот-ташвиқот услублари илмий-педагогик асосга қурилса, уларнинг самарадорлиги бир неча баробар ошади. Мафкуравий мисолларни тасвирлаш, кўрсатиш усулида миллатга, тараққиётга зарарли мисолларни типиклаштириб, ўткир танқид қилиб; фойдали мисолларни типиклаштириб, рағбатлантириш лозим. Бу усул ёмонликни оғзаки уқтирмайди, балки ёмонликни нима учун ёмон эканлигини, яхшиликнинг нима учун яхши эканлигини маҳаллий мисоллар орқали кўрсатади. Натижада "Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал" эффекти содир бўлади. Чунки одамнинг табиати шундайки, у энг аввало, эшитганига эмас, кўрганига ишонади. Масалан, лоқайдликни олайлик. Бунда тарғиботчи лоқайдликни муаллим, фермер, тадбиркор, фахрийлар, ёшлар, аёллар учун қандай зиён келтиришини тасвирлаб, кўрсатади. Мақсад — маъруза тугаганидан кейин, аввало, тингловчиларнинг ўзлари лоқайдликка йўл қўймасин. Ундан ҳам яхши натижа — лоқайдликни ният, сўз, қўл билан тўхтатишга тайёр бўлсин.

Яна бир масала — мафкуравий тарбияни илмий асосда такомиллаштиришда қўлланилиши керак бўлган тушунчалар базаси ишлаб чиқилмаганлигидир. Шу сабабли мафкуралар курашига оид "Мафкуравий кураш", "Мафкуравий қарши туриш", "Психологик уруш" тушунчалари;

Мафкуравий мухолифларимизнинг халқимиз онгига ўз ғояларини сингириш усулларидан: "ахборот империализми", "маданий колониализм", "мафкуравий диверсия", "мафкуравий индоктринация", "мафкуравий инфильтрация", "мафкуравий дезориентация", "мафкуравий қўпорувчилик" ва ҳоказоларнинг моҳияти;

Ўзбекистон халқи мафкуравий иммунитетининг таркибий қисмлари бўлмиш: **"мафкуравий огоҳлик", "мафкуравий ҳушёрлик", "мафкуравий хавфсизлик", "мафкуравий курашчанлик", "мафкуравий эътиқод", "мафкуравий сафарбарлик", "мафкуранинг турли соҳаларда намоён бўлиши", "мафкуравий муносабат" тушунчалари;**

Мафкуравий кураш услубларидан: **"қарши тарғибот", "мафкуравий огоҳлик (мониторинг)", "мафкуравий ҳимоя", "мафкуравий таҳлил", "мафкуравий таълим", "мафкуравий тарбия", "мафкуравий ишлар назарияси ва услубияти" ва ҳоказо тушунчаларининг мазмуни профессор-ўқитувчиларнинг чиқишларида, маърузаларида фаол қўлланилмоғи керак.**

Юқорида санаб ўтилган услублар ҳар биримизнинг тарбиявий фаолиятимизда у ёки бу даражада учрайди. Биргалашиб уларни , албатта, такомиллаштирамиз. Шу мақсадда "Мафкуравий ишлар назарияси ва услубияти", "Мафкуравий тарбия асослари" мавзуларида қўлланма ва махсус курс дастурлари олий таълим вазирлиги, ФДТҚ, Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази ҳамкорлигида ўқув қўлланмаларини тайёрлашимиз лозим бўлади. Бу республикамиз ўқув юртларида мафкуравий тарбияда мақсад ва бирлигига эришишимизнинг кафолатини беради.

ТИНИҚИБ КЕЛАЁТГАН «ВУЛҚОН»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ишбнаманки, янги ўқув йилида биз каби таълим олаётган барча тенгдошларимиз давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган бундай эътиборидан, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланади ва келгусида юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшади.

—Президентимиз Ислом Каримов БМТнинг мингйил саммитида нутқ сўзлаганида Ватанимизнинг жаҳон саҳнасида обрўси янада ортаётганлигидан, бошқа мамлакатларнинг ҳам Ўзбекистонимизга ўзгача бир эътибор билан қараётганлигидан ғурурландим. Ўз келажагимга бўлган ишончим ортди. Мақсадим — келгусида сиёсатшунослик соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиш. Бунинг учун эса лицейимизда яратилган шарт-шароит, у ерда берилаётган чуқур билим тўла асос бўла олади, — деб ёзади Навоий шаҳридаги академик лицей ўқувчиси Валижон Самандаров.

АКСЕЛС жамғармаси ғолиби бўлиб, ҳозирда АҚШнинг Иллинос штатидаги Карл Сандбург Коллежида таҳсил олаётган Динарахон Раҳмонова берилган имкониятдан мамнунлигини айтиб, Ватан соғинчини изҳор этади:

—Мен Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабасиман. Америкада ўқиш давомида мен мазкур давлат иқтисодиётини чуқур ўрганмоқдаман ва шу билан бирга бу ерликларга мустақил юртимиз, ҳақида кўплаб ҳикоялар сўзлаб беряпман. Яқинда маҳаллий газеталардан бирига Ўзбекистон ва унинг мустақиллик куни байрами қандай нишонланиши ҳақида мақола бердим. Ўзга юртда Ватанимнинг қанчалик муқаддаслигини чин дилдан ҳис қилдим, уни соғиндим. Худо хоҳласа давлатимиз келажаги учун олган барча билимларимни бахшида этаман.

Мамлакатимиз таълим тизими ислоҳотларининг аниқ мақсадга йўналганлиги, унинг, аввало, кишиларимиз, асосан ёшларимиз онгини юксалтириш, тафаккурини кенгайтириш, ватанини жону дили билан севадиган, унинг порлоқ келажаги билан ўзининг ёрқин иқболини бирдек кўрадиган янги авлод яратишга хизмат қилажаги юқоридаги гаплардан аён. Зеро бугун билиниб, билинмай сафларимизга янги куч, теран фикр, фидоий ёшлар қўшилишмоқда. Улар нафақат республикамизда, балки ривожланган хорижий мамлакатларда таҳсил олишиб, фан ва техниканинг энг янги замонавий янгиликларидан воқиф бўлиб қайтишмоқда. Бу борада ҳам шахсан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси пешқадамлик қилмоқда. У ўзининг тўрт йиллик фаолияти давомида ватанимизнинг саккиз юзга яқин иқтидорли, ватанпарвар ёшларининг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Франция, Италия ва Канада каби давлатларнинг нуфузли университетларида олий таълим олишларига тўлиқ оталиқ қилиб келмоқда. Улар эзгу ният, олий мақсад билан чет элларга кетиши олдидан ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳис этиб, қалбининг туб-тубига Ўзбекистонни жойлаб жўнашмоқда.

—Чет элга боришдан бирдан-бир мақсадим — ўқиш. Президентимиз ўз маблағини аямай, катта ишонч билдириб билим олишимиз учун шундай шароит яратган экан, бундан бошқа хаёл бизни банд этиши — меҳрибон отага нисбатан фарзанднинг кўрнамаклигидан ўзга нарса эмас, — деди бу йилги "Умид" танлови совриндори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Дилдора Султонова.

—Журналистика соҳасида ҳам малакали кадрлар етишмовчилиги ислоҳотларимиз жадаллашувига ўз таъсирини ўтказмоқда. Билимли, ҳозиржавоб, ҳаракатчан журналист бўлиш, албатта кишидан кўп нарсани талаб этади. Ривожланган давлатларда бу муаммо қандай ечимини топган, унинг илдизи қаерда каби саволларга жавоб топиш, ушбу механизмни ўзимизнинг шарт-шароитимиздан келиб чиққан ҳолда амалга татбиқ этиш масалалари мени кўпроқ қизиқтиради, — деди "Умид" совриндори Асқар Кушкунбоев (ЎзМУ).

"Умид"чилар халқимизнинг азалий орзулари рўёби сифатида ватанимизга умид бахш этиб қайтиб келишни бошлашди. Улар ҳукуматимиз томонидан тузилган нуфузли комиссия йўлланмаси билан барча соҳаларнинг ҳал этувчи бўғинларида фаолият кўрсатишмоқда. Шунинг ўзиёқ бу борада амалга оширилаётган ишларнинг пишиқпухта ўйланганлигидан, буларнинг барчаси замирида ватан қудратини ошириш, юрт фаровонлигини таъмин этиш каби улкан мақсадлар ётганлигидан далолат.

Бугун таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат ўқитувчи, ўқувчи, балки ота-оналар онгида ҳам янгиланишларни юзага келтирмоқда. Улар ўз фарзанди қаерда, кимда, қандай ўқиётганлиги билан қизиқа бошлашди. Бугун улар илмсизлик, бебошлик ўз жигаргўшаларини ҳатто ўзларидан ётлаштирадиган иллатлар эканлигини англаб етмоқда. Аслида ҳозирда бу борада қилинаётган саъй-ҳаракатлардан кутилаётган натижаларнинг асосийларидан бири ҳам шу эди. Таълим-тарбия соҳаси олдига қўйилаётган давлат талаблари ҳамда ота-оналар олдидаги масъулият ўқитувчиларни ҳам ўз билимини, маҳоратини тинмай ошириб боришга, ўз ишига ижодий ёндашишга ундамоқда. Бунинг учун ҳам ҳукуматимиз қўлдан келган ғамхўрлигини аямаяпти. Уларнинг чет элларда малака ошириб келишларнинг ўзига хослиги, ундан кутилаётган натижалар аниқлиги нафақат республикамизда, балки кўпгина хорижий давлатларда ҳам тан олиниб, мутахассислар хайрихоҳлигини уйғотмоқда. Яқинда Президентимиз Ислом Каримовга Голландиянинг энг йирик олий касбий таълим берувчи илм масканларидан бири — Фонтис университетининг "Фахрий доктор" унвонининг берилиши, ўтган йили юртбошимизнинг олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланиши ҳам бежиз эмас. Буларнинг барчаси таълим-тарбияга бўлган эътиборнинг, айниқса бу йўлда ўзига хос стратегик қарашга эга бўлган давлат раҳбари томонидан амалга оширилаётган оламшумул ишларнинг халқаро эътирофидир. Негаки ҳозирги кунда бутун дунё мамлакатлари нажотни интеллектуал салоҳиятда кўришмоқда. Президентимиз мамлакатимизда, тўртинчи маротаба умумхалқ байрами сифатида нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан уларга йўллаган ўз табригида яна бир бор таълим-тарбия соҳаси ходимлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бирига алоҳида урғу берди: "Инсон қалби ва онги учун кураш бораётган ҳозирги мураккаб замонда сиз каби заҳматкаш зотлар зиммасига юксак маънавиятли, эркин фикрли, истиқлол ғояларига фидоий, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган". Соғлом жамиятнинг айнан шундай фазилатларга эга бўлган ёшлар эвазига бойиб боришини, улар эса ушбу фазилатларга ўқиш, ўрганиш баробарида ижобий хулқли бўлиш орқалигина эришажагини назарда тутсак, юқорида қўйилган саволга бошланғич нуқта — таълим-тарбиядир, десак адашмаймиз.

Минҳожиддин МИРЗО,
Абдусамат РАҲИМОВ

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

Тошкент Давлат циркида Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан устозу мураббийларга ҳурмат кўрсатилди. Тадбирда қатнашган халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов барча халқ таълими ходимларини байрам билан қутлаб, вазирликнинг "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони ва фахрий ёрлиқларини таълим фидойиларига топширди. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Акромов ва Шайхонтоҳур тумани ҳокими М.Одиловлар ҳам шаҳар ва туман миқёсидаги мукофот ва совғаларини кўплаб устозларга ҳадя этишди. Байрамни байрам қиладиган куй-қўшиқлар йиғилганлар дилини хушнуд этди.

***

Тайлоқ туманида ҳам Ўқитувчилар ва мураббийлар куни катта тантана билан ўтказилди. Тумандаги 26-ўрта мактабда ўтган бу йиғинда туман ҳокимлигининг мукофоту совғаларини туман ҳокими ўринбосари Э.Алиқулов топширди. Унда туман ўқитувчиларидан икки нафари Президентимиз Фармони билан "Шуҳрат" медалига сазовор бўлишгани алоҳида эътироф этилди.

***

Ҳар йили Ўқитувчилар ва мураббийлар байрамида Сирғали туман халқ таълими бўлимида анъанага айланган бир савобли тадбир ўтказилади. Туман ХТБ мудири Тўлқин Султоновнинг таъкидлашича, бу байрам тумандаги 350 нафар таълим фахрийларининг бир пиёла чой баҳонасидаги дийдорлашув куни ҳамдир. Уларга моддий ёрдам ҳам берилади. Фикримизча, бу тадбирдаги энг эзгу сифат ота-боболаримизга хос ёши улуғ инсонларни йўқлаш, уларга эътибор, саховат, бағрикенглик сифатларидир.

МУХБИРИМИЗ

БАРЧАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Seminar-kengash

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарорининг ижроси бўйича Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази, "Ҳуқуқий маърифат тарғибот" маркази, Тошкент вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти ҳамкорликда "Маънавият ва мафкуравий тарбия, вояга етмаганлар билан ишлашда халқ таълими ходимларининг вазифалари" мавзуида умумтаълим мактабларининг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарлари, фан ўқитувчилари учун амалий семинар ўтказдилар. Семинарда мазкур қарордаги вояга етмаган ёшлар маънавияти ва мафкурасини шакллантириш, юксалтириш дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маҳалла, мактабларда маънавият ва маърифат ишларини жонлантиришда ота-оналар, маҳалла фаоллари ўқитувчи ва тарбиячиларнинг долзарб вазифалари ҳақида амалий тавсиялар билдирдилар. Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи О.Тожиев вояга етмаганларнинг тарбияси нафақат ички ишлар ходимларининг, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг, балки ота-она, барча жамоатчилик, ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги ҳақида сўз юритди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов вояга етмаганлар тарбиясида алломаларимиздан Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг илмий меросларидан фойдаланишга тўхтатиб ўтди. Айниқса ёшларни миллий қадриятлар, Ватан туйғуси мустақиллик мафкураси асосида тарбиялашда Президент Ислом Каримов асарларининг аҳамияти ҳақида қатнашчиларга баён қилди.

Шунингдек, Тошкент юридик институтининг доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Маъфират Икромова, педагогика фанлари номзоди Акром Акмалов вояга етмаганлар жиноят қилишда қонунларни билмаслиги оқибатида жиноятга қўл уришлари, улар билан нафақат махсус комиссиялар, маҳалла фуқаролар йиғини нотинч оилаларни, тарбияси оғир болаларни аниқлашда мактаблар билан ҳамкорликда ишлашларининг мақсадга мувофиқлиги ва ёшлар тарбиясидаги ота-онанинг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Мухбиримиз

ТОШКЕНТДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Куни кеча Миллий Матбуот марказида Японияниинг Тошкентдаги элчихона вакиллари билан учрашув ўтказилди. Унда 6 октябрдан 30 октябргача пойтахтда ўтадиган япон маданият кунларини ўтиши хусусида суҳбат бўлди. Йигирма тўрт кун давом этадиган ушбу амалий тадбирлар асосан Тошкентнинг турли жойларида хусусан, А.Навоий номли катта опера ва балет театри, Республика Давлат санъат музейи, Жаҳон иқтисоди ва Дипломатия университети, киночилар уйи ҳамда Миллий Матбуот марказларида ўтказилиши кўзда тутилган. Унда Японияндан ташриф буюрган меҳмонлар қўғирчоқ кўргазмалари, баранчиларнинг чиқишлари ҳамда Кунчиқар давлатда азалдан машҳур бўлган КОТО санъатининг мусиқалари барча иштирокчиларга ҳавола этди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари режиссёр Ахиро Курасово яратган Япониянинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи кинофильмлар, мактаб ўқувчилари учун мультфильмлар намойиш этилади.

Бехбуд БОТИРОВ

ЯНГИ ЙЎРИҚНОМА ЛОЙИҲАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли "Расмий Давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини бажариш мақсадида "Таълим бўйича расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи (ўтишдаври) учун мўлжалланган Йўриқнома ХТВ буйруғи билан тасдиқланди ва амалда жорий этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларига таълим бўйича расмий давлат ҳужжатларини юмушларини мазкур Йўриқнома асосида амалга ошириш, улардан тўғри ва оқилона фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиш, таълим бўйича расмий давлат ҳужжатларидан фойдаланишда вазирликнинг 2000 йилнинг 4 августида қабул қилинган 152-сонли буйруғини асос қилиб олиш, ХТВ Дарсликлар ва мактаб ҳужжатлари бўлими (бошлиғи Ш.Шомансуров)га эса вазирлик томонидан бериладиган гувоҳномалар ва шаҳодатномаларни Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари буюртмаларига асосан махсус алоқа тармоқлари орқали юбориш каби топшириқлар берилди.

Буйруқнинг алоҳида бандида қайд этилганидан, ушбу йўриқнома тасдиқланиши муносабати билан вазирликнинг 1999 йил 1 ноябрда 183-сонли "Таянч ва ўрта маълумот тўғрисида"ги ҳужжатларни буюртмалар асосида тайёрлаш, ҳисобга олиш, тарқатиш ва сақлаш тўғрисида"ги буйруғи ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланилади.

1

Таълим бўйича расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи (ўтиш даври) учун мўлжалланган

ЙЎРИҚНОМА

I.Таълим бўйича расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш ва таъминлаш

1.1.Таълим бўйича расмий давлат ҳужжатлари (гувоҳнома ва шаҳодатнома) давлат аҳамиятига молик, қатъий назорат қилинадиган ҳужжатлар бўлиб, ягона тартиб рақамлари билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буюртмаси асосида чоп этилади.

1.2. Таълим бўйича расмий давлат ҳужжатларининг намуналари (ўтиш даври) қуйидагича белгиланади:

а) ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома;

б) аъло даражали ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома;

в) таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома;

г) аъло даражали таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома.

1.3.Гувоҳнома ва шаҳодатномалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг буюртмасига биноан махсус алоқа воситалари орқали юборилади.

1.4.Республика ҳудудларида жойлашган халқ таълими бошқарув идораларига юбориладиган гувоҳнома ва шаҳодатномалар миқдори Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан ҳар йили 20 октябргача РИК-76 ҳисоботи асосида белгиланади.

1.5.Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари таълим ҳақидаги ҳужжатларни олганларидан сўнг зудлик билан унинг юк хати бўйича миқдори ва тартиб рақамлар асосида текширади. Текшириш якунига кўра, расмий давлат ҳужжатларини қабул қилганлиги ҳақида далолатнома тузилади. Далолатнома халқ таълими бошқармаси бошлиғи ва ҳужжатларни қабул қилиб олган масъул шахслар томонидан имзоланади. Имзолар гербли муҳр билан тасдиқланади, далолатноманинг нусхаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига 5 кундан кечикмаган ҳолда юборилади.

2

1.6.Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига келган расмий давлат ҳужжатлари назорат ва тарқатиш дафтарларида ҳисобга олинади ва улар қўриқланадиган хоналардаги сейфларда сақланади ҳамда белгиланган тартибда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига тарқатилади.

II.Расмий давлат ҳужжатларини ҳисобга олиш, тарқатиш ва сақлаш.

2.1.Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, гувоҳнома ва шаҳодатномаларни туман, шаҳар халқ таълими бўлими вакилларига ишонч далолатномаси асосида берадилар.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимларига бериладиган расмий давлат ҳужжатлар миқдори IX, XI синфлар якуний аттестацияга қўйилган ўқувчилар сонига асосан белгиланади.

Қатъий назорат қилинувчи расмий давлат ҳужжатларини олиш ва тарқатишга буйруқ билан тайинланган масъул ходимлардан ташқари шахсларни жалб қилиш қатъиян ман этилади.

Агар расмий ҳужжатлар бланкаларини қабул қилиш, ҳисобга олиш ва топшириш (жўнатиш) учун масъул шахслар вақтинчалик бўлмаган ёки бошқа ишга ўтган тақдирда расмий давлат ҳужжатлари бланкалари айнан шу мақсадда тузилган комиссия аъзолари томонидан имзоланган далолатнома бўйича ушбу вазифаларни вақтинчалик бажараётган шахсларга берилиши керак.

2.2.Халқ таълимини бошқарув идоралари ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳар бир мактабга берилаётган расмий давлат ҳужжатлар бланкаларининг сони ва уларни рақамларини ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарларида қайд этилишини қатъий назоратга оладилар.

Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтари (75 йил), ишончномалар (3 йил), юк хатлари (3 йил) ва бошқа ҳужжатлар қатъий сақланадиган ҳужжатлар ҳисобланади.

2.3.Мактаб директорларига гувоҳнома ва шаҳодатномалар топшириш IX, XI синф ўқувчиларини якуний аттестацияга қўйиш ҳақидаги мактаб педагогик кенгашининг қароридан кўчирма, VIII, IX ва X, XI синф журналлари асосида амалга оширилади.

3

2.4.Мактаб директорлари ўқувчиларни якуний аттестацияси натижаларига кўра, баҳолар ведомостлари ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларни бериш ҳақидаги мактаб педагогик кенгашнинг қароридан кўчирмани туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига топшириш-лари, шунингдек, қатъий назорат ҳужжатларини ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарларини бошқарув идоралари масъул ходимлари текширувидан ўтказишлари шарт.

2.5.Аъло даражали гувоҳнома ва шаҳодатномалар мактаб педагогик кенгашининг қарорига биноан тавсия этилган ўқувчиларга туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари буйруғига асосан берилади.

2.6.Экстернат тартибида мактаб курси бўйича аттестациядан ўтган шахсларга ҳужжатлар бериш, экстернатдан имтиҳон олиш ҳуқуқи берилган мактаб директорлари томонидан амалга оширилади.

2.7.Мактаб курси бўйича якуний аттестация тугагандан сўнг, педагогика кенгаши қарори асосида мактабни битирган барча IX ва XI синф ўқувчилари учун гувоҳнома ва шаҳодатномалар тулдирилади.

Ҳар бир битирувчи таълим ҳақидаги ҳужжатни олгани ҳақида ҳужжатларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарига имзо қўяди.

2.8.Таълим тўғрисида ҳужжатларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида ўчириш, тўғрилаш ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

Таълим ҳақидаги ҳужжатлар тарқатиш дафтарларидаги барча ёзувлар мактаб директори, директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари ва синф раҳбарлари имзолари ҳамда мактабнинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

2.9.Айрим сабабларга кўра, вақтида берилмаган гувоҳнома ва шаҳодатномалар битирувчиларга берилгунга қадар тўлдирилган ҳолда мактабда сақланади. Тўлдирилмаган ҳужжатлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига бир сутка давомида қайтарилиши шарт. Тўлдирилмаган таълим ҳақидаги ҳужжатларни мактабда сақлаш қатъиян ман этилади.

4

Телекўрсатув ва эшиттиришларда маҳаллий шеваларни ишлатиш ҳоллари кўпайиб бормоқда.

Тарбиячилар ва ота-оналар флегматикларни "ўйғотишлари" лозим. Жисмоний тарбия, ҳаракатли ўйинлар, сузиш каби машқларга уларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

АВВАЛО, ЎЗИМИЗ ҲАДРИГА ЕТАЙЛИК

Ҳар бир халқ учун она тили мўътабар ва муқаддасдир. Демак, тилимизни эъзозлаш, ардоқлаш лозим. Чунки, у ягона ва унинг ўрнини боса оладиган бирор бошқа тил бўлиши мумкин эмас. Тил — халқнинг мустақиллигини белгилайди. Агар миллат у ёки бу сабабларга кўра, ўз тилини қўллаш ва ривожлантириш имкониятидан маҳрум бўлса, у йўқолиб боради. Шунга қарамасдан, турли даврларда, айниқса, турғунлик йилларида, "Она тилимиз — иккита" деб оғзимизга келган-келмаганни айтишга мажбур бўлган эдик. Бу ҳақда даста-даста шеърлар ёзилди, шиорлар оммалаштирилди, катта-катта китоблар нашр этилди, йирик-йирик анжуманлар ўтказилди.

Аллоҳга шукрки, "Давлат тили ҳақида"ги Қонун 1989 йил 21 октябрда қабул қилинди ва уни ижро этиш қизғин тус олди. Бу Қонун Конституциямиз билан мустаҳкамланди. 1995 йилнинг охирига келиб, Давлат тили Қонуни ислоҳ қилинди, унга ўзгаришлар киритилди.

"Давлат тили ҳақида"ги Қонун амалий ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Айрим соҳаларда бу ишнинг бирмунча суст бўлишига қарамасдан, она тилимизнинг бойликларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Чунки, ҳар бир тилнинг ўз қоида-қонунлари, ривожланиш йўллари мавжуддир. Ўзбек ва рус тилида ўзаро умумий атамаларни қўллаш билан бирга (биржа, товар, самолёт, фирма, фермер каби), ҳар тилнинг ўзи учун хос бўлган бойликларидан фойдаланиб иш кўриш ҳам амалга оширила бошлади. Бу табиий бир ҳол бўлиб, унинг ички тараққиёт қонунлари билан, тил сиёсати билан узвий боғлиқдир. Буни айрим сўз-атамаларни қўллаш бобида аниқ ҳис этиш мумкин.

Масалан, ***ўзбек тили учун:*** *вилоят, туман, атама, талаба, қўшимча, шакл, жараён, маънодош, шаклдош, шевашунослик, вазифа, хатбоши, маъно, оҳанг, лаҳжа, товушшунослик, таркиб, чизикча каби.* ***Рус тили учун:*** *область, район, термин, студент, аффикс, форма, процесс, синоним, омоним, диалектология, функция, абзац, семантика, интонация, диалект, фонетика, состав, дефис сингари.*

Ваҳоланки, биз мустамлака даврида юқоридаги ҳар иккала ҳолат учун ҳам фақат "рус тили учун" деб келтирилган сўз-атамаларидан фойдаланиб келардик. Ана шу даврнинг унсури сифатида, баъзан ҳозирги вақтда ҳам синоним, омоним, интонация, термин, процесс каби атамаларни ишлатилиб келиш ҳоллари учраб туради. Вазифамиз ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларини билиб, тўғри қўллашдан иборатдир.

Адабий тилимиздаги ҳар бир сўзни тўғри

Ona tilim — jonu dilim

қўллаш, айниқса, атамаларни танлаб олиш, қоидаларни такомиллаштириб бориш, қўлланиладиган атамалар она тилимизнинг ривожини таъминлайдиган, жамоатчиликка ўнғай, тушунарли бўлишига эришмоқ лозим. Ўзбек тили атамалар луғатларини тузганда, жонли тилда кенг халқ орасида ишлатилиб турган атамалардан, мумкин бўлганча, тўла равишда фойдаланиш зарур. Бундай иш юритиш "Давлат тили ҳақида"ги Қонун талабларига тўла мос келади.

Она тилимизга атамаларни саралаб олиш, уларни тўғри танлашнинг ўзига хос қирраларини ишлаб чиқиш ва амалий иш учун тавсия этишга эришиш қонун талабидир. Бу тавсиялар тилнинг умумий қоидалари, жумладан, она тилининг ҳам қоида-қонунлари талабларини ўзида акс эттиради. Бу ҳақда устозларимиз ҳам ўз мулоҳазаларини айтиб келганлар. Уларни умумлаштириб, қуйидагиларни қайд этамиз:

1. Адабий тилнинг луғат бойлигидаги ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланиб, тилни бойитиб ва ривожлантириб бориш.

2. Бошқа адабий тиллардан, заруратга қараб, сўз—атамалар ўзлаштириш, яъни ташқи имкониятлардан фойдаланиб иш кўриш.

3. Лаҳжа ва шевалардан сўз—атамалар танлаб олиш ва адабий тилга сингдириб бориш. Бу соҳа эса энг сермаҳсул бўлиб, битмас-туганмас хазинадир.

4. Қадимги ёзма ёдгорликлардан унумли фойдаланиб, зарурий сўзлар ва атамаларни адабий тил истеъмолига киритиш ва шу йўл билан уни бойитиш.

Юқоридаги сингари тилнинг ўзига хос муҳим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш барча она тили соҳибларининг бурчидир. Буни тўғри йўлдан бошқариб бориш, назорат қилиш ва кўмаклашиб бориш соҳа мутахассисларининг, зиёлиларнинг зиммасига киради. Шу нуқтаи назардан қаралганда, олий маълумотли зиёлилар, журналистлар ва атоқли олимларнинг адабий тил қоидаларига риоя қилмасликлари, Давлат тили қоидалари меъёрларини бузиш ҳоллари ачинарлидир. Афсуски, бундай ҳоллар нафақат оғзаки нуқтада, балки радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда ҳам тез-тез учраб туради. Айниқса, телекурсатув ва эшиттиришларда маҳаллий шеваларни ишлатиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу хусусда матбуотда мулоҳазалар берилиб келинмоқда. Аммо бу борадаги бефарқликнинг давом этаётганлиги янада таъсирлироқ чора-тадбирларни қўллашни тақозо этади.

Мустақил давлатимизнинг ва унинг Давлат тили ҳисобланган она тилимизнинг нуфузи ошиб боришини истаймиз. Бунга ҳар биримиз ўз муносиб ҳиссамизни қўшишимиз, қонунларнинг бузилишига йўл қўймаслигимиз лозимлигини унутмаслигимиз керак.

Назар РАЖАБОВ,
профессор

Psixolog maslahati

ФЛЕГМАТИК БОЛАЛАРГА МУНОСАБАТ

Темпераментнинг холерик-(ҳаракат ва фаолиятда тезкор, лекин қатъиятсиз), сангвиник (жонли, ҳаракатчан, қизиқувчан), флегматик (оғир, вазмин) ва меланхолик(секин ҳаракат қилувчи) каби тўрт типга ажралиши қадимдан маълум.

Ушбу типларнинг ҳар бири ўзининг махсус аломатларига эга. Бу аломатлар одамнинг болалик чоғларидаёқ яққол намоён бўлади. Темперамент аломатлари инсон асаб тизимининг айрим хусусиятлари билан боғлиқдир.

Флегматик типдаги бола кучли, мувозанатли, бироқ секин ҳаракат этувчи суст асаб тизимига эга. Илк туғилган даврлардаёқ бу бола тинч, кўп ухлайди, уйғонгач, тинч ётади, камдан-кам йиғлайди. Қийинчилик билан уйғонади, тез ухлаб қолади. Уйқудан тургач, анча вақтгача уйқу таъсирида бўлади. Боланинг реакциялари аниқ характерга эга эмас. У паст овозда кулади, паст йиғлайди, мимикалари эса намоён бўлмайди. Нутқи секин, паузали. Паузалар хатто сўзлаганида яққол сезилади.

Бола асаб жараёнларининг кам ҳаракатлиги муносабатида ҳам унинг флегматик характерга эга эканлигини билиш мумкин. Унинг ташқи таъсирга эътибори суст. Саволжавоб вақтида бола жавоблан олдин пауза қилади. Фаолиятни бошлашдан олдин ҳам болада "депсиниш", бошқача қилиб айтганда, бошлашдан олдин пауза содир бўлади. Флегматик бола фаолиятга киришгач, уни узоқ вақт давом эттириши мумкин. Бир хилдаги ёки такрорланиб турувчи фаолият уни зериктирмайди ва чарчатмайди. Бироқ, бажараётган фаолиятини тўхтатишга у қийналади. Унга нотаниш, янги фаолиятни бошлаш қийин.

Флегматик боланинг хулқи барқарорлиги билан фарқланади. Болада малака ва одатлар узоқ вақт давомида шаклланади ҳамда мустаҳкам бўлиб қолади. У янги ва нотаниш нарсаларни тезликда идрок эта олмайди. Боғча ёки яслига қийинчилик билан кўникади, уйинларга қўшилмайди, янги режимга кириш учун анча вақт керак бўлади. Оиладан ажралиб боғчага бориш унинг учун жуда қийин.

Бола бегоналар билан истамай танишади, меҳмонда ўзини ноқулай ҳис қилади. Чунки бу типга мансуб болалар кундалик шароитга кўниккандагина ўзларини эркин ҳис этадилар.

Бошқа типлар сингари флегматиклар ҳам ижобий ва салбий сифатларга эга. Бу эса, албатта, уларнинг асаб тизими билан боғлиқ.

Ижобий томонлари: бирор ишни бажаришда синчков, пухта, озода, қунтли, виждонли ва турли вазиятларда ишончлидир.

Салбий томонлари эса бўшанг, фаоллиги суст ҳамда ҳаракат темпи секиндир.

Флегматик боланинг тарбиясида катталар баъзи бир камчиликларга эътибор бермаган ҳолда уни сустликда, эпчил эмасликда айблашади. Бироқ бу бажарган фаолият ёки иш секинлик билан қилинган бўлса ҳам, самараси юқори даражада, пухта бажарилганлигига эътибор беришмайди. Болага умуман танбеҳ бериш билан овора бўлишади. Бу танбеҳлар бола асаб фаолиятининг тормозланишига сабаб бўлади. Шошилиш ўрнига у ҳаракатни янада секинлаштиради. Бундай таъсир нотўғридир, чунки бола қасддан секин иш қилмайди, бу куч кўзғовчига жавобан мўътадил реакциядир. Баъзан боланинг ҳаракат суръати тезлашади.

Ота-оналар секин ҳаракат қилиш жараёнида болага ёрдам беришга интилади. Бу билан улар боланинг зур беришига қарши ҳаракат қилган бўлишади. У секинлик, эринчоқлик билан кийинади, онаси эса унга ёрдамга чопади. Ўйинчоқларни сустлик билан терганда, отаси тезлик билан териб қўяди ва ҳоказо. Агар катталар доим шундай ёрдам кўрсатаверсалар, бола умуман ҳаракатсиз бўлиб қолади.

Узига-узи хизмат қилишга ўргатиш ҳар бир бола учун зарурдир. Айниқса, флегматик типдагилар учун бундай ҳолат жуда керак. Флегматикка тез ҳаракат қилиш ёқади, бироқ қуйидаги сабаблар бунга тўсиқлик қилади.

Биринчидан, болада ҳаракат секин, иккинчидан, мақсадга мустақил равишда эришиш унга қийин. Учинчидан, сустликлари учун эшитадиган доимий танбеҳлар ва таъналар уни эзади.

Боғча шароитида ҳам, уйда ҳам энг қулай таъсир қунгироқ, жиринглайдиган соат бўлиши мумкин. Бу усуллан қуйидагича фойдаланиш керак. Бошида бола бажарган фаолиятни тугатгач, қунгироқ атайлаб жиринглатилади. Кейинчалик эса 2-3 дақиқа олдинроқ чалинади. Бола қунгироқ чалингандан сўнг ишини тугатиши мумкин.

Яна бир усул бола фаолияти тезлашишига катта ёрдам беради. Бу гуруҳдаги мусобақалардир. "Ким тезроқ?" ўйинини бунга мисол қилиб олиш мумкин. Бундай ўйинларни ташкил этиш тарбиячининг маҳорати ва ижодкорлигига боғлиқ. "Ким тезроқ?" ўйини асосида улоқтириш, етказиш, узатиш, бирор нарсани ясаш ва ҳоказоларни ўйлаб топиш мумкин. Ўйин давомида тарбиячи флегматикларга ёрдам бериши, баъзан унга атайлаб ютқазиши керак.

Тарбиячилар ва ота-оналар флегматикларни "ўйғотишлари" лозим. Жисмоний тарбия, ҳаракатли ўйинлар, сузиш каби машқларга уларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Болалардаги ноқулайлик ва ётсирашни йўқотиш учун улар билан кўпроқ меҳмонга бориш, қўшни гуруҳга бирор топшириқ билан юбориш, каттароқ бўлгач, жўнатиш юбориш лозим.

Флегматиклар тарбиясида режим катта аҳамиятга эга. Катталар боланинг кун тартибини тўғри ташкил этишлари лозим. Кун тартиби шундай тузилиши керакки, боланинг бекорчиликка умуман вақти қолмасин. Унга кўпинча топшириқлар бериб, унинг бажарилишини назорат қилиб бориш керак.

Флегматикларнинг чаққон болалар билан дўстлашиши мақсадга мувофиқдир. Бу ишга катталар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Чаққон бола флегматик болани ҳар томонлама бўғиб қўйиши мумкин. Уни ўзининг ёрдамчисига айлантириб қўяди. Флегматикда ташаббус кўрсатиш, мустақиллик йўқолади ва чаққон боланинг буйруқларини қаршиликсиз бажараверади. Тарбиячи ва ота-оналар бу боланинг ўйинларини назорат қилиб туришлари керак.

Биз флегматик болаларни кўриб чиқдик ва шундай хулосага келдик. Камҳаракат бола тарбиясида, асосан, ҳаракат ва фаолиятларга қизиқиш уйғотиш, меҳнат малакаларини шакллантириш, боланинг доим банд бўлишини ташкил этиш ва назорат қилиш, жамоани севишга, кўпчилик билан бирга фаолият кўрсатишга ўргатиш, ўйин ва машғулотлар орқали уларни тўғри тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Х.ИБРОҲИМОВ,
СамДУ педагогика-психология кафедрасининг мудири, профессор,

Д.МАТЧОНОВА,
боғча тарбиячиси

ЎҚИТУВЧИ ВА МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАР

Jurnalning yangi sonida

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида "Халқ таълими" журналининг навбатдаги янги сони нашрдан чиқди. Маълумки, бугунги кунда аксарият ўрта мактаблар рейтинг тизими асосида ишлашга ўтган. Шу боис бу борадаги ишларни тажрибаларини умумлаштириш, мувофиқлаштириш долзарб масалага айланиб қолди. "Халқ таълими" журналининг янги сонида ана шу йўналишдаги фаолиятни тартибга солишга доир дастуриламал ҳужжатлар — Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғи, умумий ўрта таълим муассаса(-мактаб)ларида ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида мувақкат Низом ва мазкур Низомга ёзилган шарҳлар чоп этилгани ҳамма учун айни муддао эканлиги, шубҳасиз.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ўқитувчи миллий маънавиятини ижтимоий ҳаётда қарор топтириш субъекти, фидойиси сифатида талқин қилиниб, ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этиш, такомиллаштириш зарурияти уқтириб ўтилган. Чиндан ҳам ўзбек ўқитувчисининг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳанузгача яхши ўрганилгани йўқ. Профессор Эргаш Ғозиевнинг "Ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятларини баҳолаш мезонлари" мақоласида ана шу масала ҳақида фикр юритилади. Шуниси муҳимки, муаллиф этнопсихологик хусусиятларни баҳолаш шкаласини келтиради.

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ илмий ходими Шарофат Юнусованинг "Ўқув вазифасини тушуниш кўникмасини шакллантириш" мақоласи ҳам эътиборлидир. Муаллиф ёзадики, ўқувчиларга топширилган вазифа тушунарли бўлиши учун, биринчидан, руҳий хислат — диққат зарур. Иккинчидан, нима қилиш кераклигини пайқаш, яъни қўйилган вазифани ҳал қилиш йўлларини, амалий ҳаракатларни бажаришни билиш; учинчидан, билим, кўникма ва малакаларни бойитиш; тўртинчидан, мавжуд билим асосида янги билимларни эгаллай бориш.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтининг аспиранти Алишер Зокировнинг "Ўқув билим фаолиятини мотивлаштиришнинг талабалар безовталикларига таъсири" мақоласи амалий кузатишларга асосланган хулосаларга бойлиги билан ажралиб туради. Ўқитувчи фаолиятидаги безовталанишларни бартараф этиш омилларидан бири, унинг касбий маҳорат даражасини оширишдир. Юксак педагогик маҳоратга эга ўқитувчи ўз иши ва унинг натижасидан қониқади, ютуқларидан қувонади, янги марраларга интилади. Касбий педагогик тайёргарликда мотивлаштириш талабларнинг ўқув-билиш ва амалий фаолияти учун зарур фазилатларни уйғун ҳолда таркиб топтириш омили ҳисобланади.

Муваффақиятга интилувчан шахслар одатда барча муаммолар ечимини топишга ижодий ёндашадилар. Улар фаол ва ҳаракатчандирлар. Муаллиф мақола сўнггида таъкидлайдики, амалдаги ўқув дастури, нашр этилаётган қўлланмаларда бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларида кучли безовталик, доимий хавотирланиш каби салбий ҳолатларни бартараф этиш масаласига етарли эътибор қаратилмаган.

"Халқ таълими" журналининг янги сони саҳифаларида яна профессор Ҳ.Ҳомидийнинг "Авесто ва маънавият", З.Собироваинг "Таълим жараёнига индивидуал ёндашиш", З.Нишонованинг "Психологик тренинглар ҳақида", З.Қурбонованинг "Кашта — тақдир битиги", М.Рўзиқуловнинг "Ўқувчилар бўш вақтининг педагогик қиммати", А.Бекмуродовнинг «Педагогик квалиметриянинг асосий тушунчалари", А.Ҳикматовнинг "Яхши хулқ зийнатлари" каби қатор қизиқарли мақолалар билан ҳам танишасиз.

А.ХЎЖАМОВ

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 388-болалар боғчасида республикада илк маротаба жажжи боғча болалари ўртасида каратэ бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Турон спорт яккакураши бўйича "Соғлом авлод йили"га бағишлаб ўтказилган бу мусобақада 4-7 ёшли боғча болалари иштирок этдилар. Мусобақаларни ўтказиш 388-болалар боғчаси раҳбарияти ва Тошкент вилояти Турон спорти I, II, III тоифадаги ҳакамлар зиммасига юкланди.

— Мусобақани ўтказишдан мақсад, — дейди бош ҳакам Акром Шердонаев, — аввало, боғча ёшидаги болаларни соғлом ва жисмонан етук қилиб тарбиялаш ҳамда спортни оммавийлаштириш, жажжи тарбияланувчиларга ҳали кичкиналигиданоқ "спорт" деган тушунчани сингдириб бориш. Мусобақада 13-16-19, 22, 25-28 кг вазндаги болалар қатнашдилар. Мусобақа жуда қизиқарли, худди катта мусобақалардек Айниқса, 388-боғчанинг 4 ёшли иштирокчиси Сардор Ҳамиджоновнинг ғолиб чиққанлиги барчани қувонтирди. Мусобақалар сўнгида ғолиблар ва иштирокчилар совға-саломлар билан тақдирландилар. Боғчалараро илк маротаба ташкил этилган ушбу мусобақа Соғлом авлод йилида ўтказилган энг яхши тадбирлардан бири бўлди. Ўйлаймизки, бундай мусобақалар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказилишига замин ҳозирланди.

Захро АЗИЗОВА

Республикамизнинг Давлат гимни билан очилди. Ўша ондаги кичкинтойларнинг кўзларидаги ҳаяжон ва ҳайратни кузатиб туриб биз катталар ҳам болалигимизга қайтдик. Жажжи каратэчиларнинг ўзларига мос спорт кийимлари, пешонабоғлари, бир-бирлари билан қўл олиб кўришишларию жанг-дан кейинги чиройли таъзимлари мусобақани кўриш учун ташриф буюрган барча меҳмонларни лол қолдирди.



Нукус туманидаги Абай номли 20-мактабнинг ўқитувчию ўқувчилари ҳар бир дарснинг ижодий ўтишига эришадилар. Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

2.10.Битирувчиларга гувоҳнома ва шаҳодатномалар, берилгунга қадар уларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарлари, таълим тўғрисидаги ҳужжатларни олиш ва беришга асос бўладиган барча ҳужжатлар сейф(темир шкаф)ларда сақланади. Мактаб директори ўзгарган тақдирда барча ҳужжатлар далолатнома орқали янги раҳбарга топширилади.

Мактаб битирувчисига берилмай қолган гувоҳнома ёки шаҳодатнома бўлса, далолатномада унинг тартиб рақами ва мазкур ҳужжатни олмаган битирувчининг исми ва шарифи кўрсатилади.

2.11.Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тўлдириш жараёнида хатоликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилганлиги ҳақидаги буйруқдан кўчирма ва бошқа зарур ҳужжатлар асосидаги бузилган ҳужжатлар ўрнига янги нусхалар Халқ таълими вазирлигидан олинади.

Бу бланкалар ҳужжатларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида қайд этилади. "Асос" графасига "бузилганлар ўрнига" деб ёзиб қўйилади.

2.12.Бузилган гувоҳнома ва шаҳодатномалар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида камида 3 кишидан иборат тузилган комиссия томонидан йўқ қилинади.

Комиссия ҳужжатларни йўқотилганлиги ҳақида 2 нусхада далолатнома тузади. Мазкур далолатнома барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва таълимни бошқарув идора раҳбари томонидан тасдиқланади. Далолатномада йўқ қилинган ҳужжатларнинг номи, сони ва тартиб рақамлари кўрсатилади.

Бузилган ҳужжатларнинг тартиб рақамлари қирқилади ва алоҳида қоғозга ёпиштирилиб, далолатномага илова қилинган ҳолда сақланади.

Далолатноманинг иккинчи нусхаси маълумот учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига юборилади.

2.13.Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг тоза бланкалари йўқолган ҳолларда зудлик билан мактаб директорлари халқ таълими бўлимига ва ички ишлар органларига хабар қиладилар, бунда йўқолган ҳужжатлар тартиб рақамлари кўрсатилиб, йўқолиш юз берган вазиятларни аниқ баён қиладилар.

2.14.Мактаб раҳбарлари, халқ таълими бошқарув идоралари тарқатилган таълим тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича мунтазам равишда ҳисобот бериб борадилар.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳужжатларнинг тарқатилиши бўйича ҳар йили 1 октябрга қадар ҳисоботлар тузадилар ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига 5 октябрга қадар юборадилар.

III.Расмий давлат ҳужжатларини тўлдириш

3.1.Расмий давлат ҳужжатлари (гувоҳнома ва шаҳодатнома) қуйидаги ҳужжатлар асосида тўлдирилади:

а) шаҳодатнома учун паспорт, 16 ёшга тўлмаган битирувчиларга шаҳодатнома туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси асосида тўлдирилади;

б) гувоҳнома учун — туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома;

в) VIII, IX, X, XI — синф журналлари.

3.2.Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар қора тушь билан чиройли, аниқ қилиб тўлдирилади. Битирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти ва жойи паспорт(гувоҳнома)га асосланган ҳолда аниқ қилиб ёзилади. Шунингдек, мактабнинг номи, тартиб рақами, ўқиш тури ва манзилгоҳи ҳам тўлиқ ёзилади.

3.3.Таълим тўғрисидаги ҳужжат директор имзоси ва мактаб муҳри билан тасдиқланади. Муҳр ҳужжатга аниқ ва ўқилиши осон бўладиган ҳолда туширилиши керак. Мактабнинг гербли муҳри бўлмаган ҳужжат ҳақиқий ҳисобланмайди.

3.4.Шаҳодатномаларга X, XI синф ўқув режаларида кўрсатилган ўқув фанлари бўйича баҳолар, гувоҳномаларга эса VIII, IX синфлар ўқув режаларидаги барча фанлар бўйича баҳолар қўйилади.

3.5.Таълим тўғрисидаги ҳужжатларда ўқув фанлари бўйича (ўқувчиларнинг билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимида иш олиб бораётган ўқув муассасалари, ихтисослаштирилган мактаблар Низом лойиҳаси асосида) баҳолар рақам билан, қавс ичида сўз билан 5 (аъло), 4 (яхши), 3 (қониқарли), синов (зачёт) тизимида киритилган айрим фанлар бўйича "синовдан ўтди", хулқи эса "намунали", "яхши", "қониқарли", "қониқарсиз" деб белгиланади. Ўқувчиларга боғлиқ бўлмаган сабабларда айрим ўқув фанлардан баҳоланмаган битирувчиларга, гувоҳнома ва шаҳодатномаларда "урганмади", жисмоний тарбия ёки меҳнат таълими фанлари бўйича озод этилганлар учун "озод этилган" каби сўзлар ёзиб қўйилади.

3.6.Мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан фанларни ўрганган битирувчиларга бу ҳақда гувоҳнома ва шаҳодатномаларга баҳосиз тегишли ёзув амалга оширилади.

3.7.Учириб, қайта тўғрилашга ҳамда бирор графанинг тўлдирилмай колишига йўл қўйилмайди.

3.8.Экстернат тариқасида имтиҳонларни топшириб гувоҳнома ёки шаҳодатнома олган шахслар ҳужжатларининг юқори ўнг бурчагида "экстерн" ёзуви қўйилади.

3.9.Гувоҳнома ва шаҳодатномаларнинг тўғри тўлдирилиши, баҳоларнинг ҳаққоний қўйилишига жавобгарлик шахсан мактаб директорига юклатилади.

IV.Таълим тўғрисидаги дубликат ҳужжатларни бериш тартиби

4.1.Умумий ўрта таълим мактабларини битириб, гувоҳнома ёки шаҳодатномаларини йўқотган, бузган шахсларга дубликат ҳужжат берилади.

4.2.Дубликат беришда қуйидаги тартибга амал қилинади:

а) гувоҳнома ёки шаҳодатномаларини йўқотган ва бузган шахслар уларга таълим тўғрисидаги ҳужжат берган мактаб маъмуриятига йўқотиш ва бузиш ҳолатини тўлиқ баён этилган ёзма ариза берадилар, таълим тўғрисидаги ҳужжатларни йўқотган шахслар аризага ҳужжат йўқолганлигини тасдиқловчи газетадаги эълон, топилмалар столидан маълумотномани илова қиладилар.

Газетадаги эълонда ва топилмалар столи маълумотномасида йўқолган таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг берилган йили, серияси ва рақами кўрсатилиши шарт;

б) аризани олган мактаб директори аризачи мактабда ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд булган тақдирда педагогик кенгаш кўриб чиқиши учун киритади;

в) дубликат ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари буюртмасига асосан Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан берилади;

д) олинган дубликат ҳужжатлар мазкур йўриқноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган ҳужжатлар бўйича тўлдирилади;

е) аризачига берилган дубликат ҳужжат таълим тўғрисидаги ҳужжатларни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарига қайд этилади, "олганлиги ҳақида имзо" графасига "йўқолган асл нусха ўрнига ...№..., "..."...да берилган", "баҳолар учун асл нусха берилган графага қаралсин" деб ёзилади.

Олди, имзо, сана, юқорида асл нусхани берилганлиги ҳақидаги қаторда "...№..."даги дубликат берилганлигини ёзиб қўйилади;

ж) гувоҳнома ва шаҳодатнома дубликатлари мактаб директори томонидан имзоланади;

з) ҳужжатларнинг юқори ўнг бурчагига қўл билан "дубликат" деб ёзиб қўйилади;

и) мактаб томонидан тўлдирилган дубликат ҳужжат туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг масъул ходими томонидан назоратдан ўтказилади.

4.3.Йўқолган ва газета орқали бекор қилинган асл ҳужжатлар рақамлари Халқ таълими вазирлиги томонидан компьютер орқали рўйхатга олиниб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳамда Давлат Тест Марказига юборилади.

4.4.Гувоҳнома ва шаҳодатномаларнинг дубликатлари фақат бир марта берилади, уни олувчи шахс бу ҳақида директор томонидан огоҳлантирилади.

4.5.Аъло даражали гувоҳнома ва шаҳодатномаларнинг дубликатлари оммавий нусхадаги ҳужжат бланкаларида берилади.

4.6.Умумтаълим ўқув муассасалари тугатилган ҳолларда таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг материалларини сақлаш учун берилган бошқа таълим муассасаси архиви томонидан берилган маълумотномалар асосида дубликат берилади.

4.7.Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни йўқотган ёки уни ўз айби билан бузган шахслардан Узбекистон Республикасида белгиланган энг ҳам бир ойлик иш ҳақи миқдорида тўлов харажатлари ундирилади. Бу маблағлар Халқ таълими вазирлигининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Дарсликлар ва мактаб ҳужжатлари бўлими

МИЛЛИЙ БОҒДАГИ БАЙРАМ ШУКУҲИ

"Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" муносабати билан дам олиш куни пойтахтимизнинг барча боғлари байрамни нишонловчилар билан гавжум бўлди. Алишер Навоий номидаги Узбекистон Миллий богида ҳам ушбу тантана кўтаринки руҳда ўтказилди. Собит Маматов раҳбарлигидаги боғ маъмурияти билан "Маърифат" газетаси жамоаси ҳамкорликда ташкил қилган тадбирда иштирок этган Зангиота туманидан келган "Хушнуд" гуруҳи ҳамда Шайхонтоҳур тумани маданият уйи санъаткорлари йиғилганларга уз куй-қушиқларини ҳадя этишди.

Шунингдек, Сирғали туманидаги 322-мактабнинг 3 "Д"-синф ўқувчиси Умида Исмоилова ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги 13-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Моҳисалаф Убайдуллаевалар устозларга бағишланган шеърлардан ўқиб беришди.

Мухбиримиз

Ана шу грант лойиҳаси Канада элчихонаси томонидан маъқулланиб, Канада мамлакати валютаси билан 10000 долларлик грант олишга муваффақ бўлдик.

Республикада пайдо бўлган бундай вазиятни тушунган ҳукумат аъзоларига халқ оммаси тасанно айтмоқда.

ҚИРОЛЛИКДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТУРНИРИ

Буюк Британия пойтахти Лондондан унча узоқ бўлмаган Бедфорд шаҳрида ўзбек кураши бўйича Ислом Каримов турнири бўлиб ўтди.

Бу турнир ташаббускори ва ташкилотчиси Халқаро Кураш Ассоциацияси(ХКА) аъзоси ҳисобланган — Британия Кураш Ассоциацияси(БКА)дир. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу мусобақа Буюк Британия Кураш Ассоциациясининг кураш бўйича ўтказган дастлабки нуфузли турниридир. Уни ўтказиш ташаббускори эса жаҳон спорт оламининг энг кўзга кўринган вакили, дзю-до ва самбо бўйича бир қатор халқаро мусобақалар ғолиби, Британия Кураш Ассоциацияси Президенти жаноб Тимоти Томасдир. Кўпчиликка маълумки, шу йилнинг июль ойида Туркиянинг Анталия шаҳрида кураш бўйича II жаҳон чемпионати ўтказилганди. Ушбу мусобақа якунланишида Т.Томас ХКА раҳбариятига бу ниятини расмий равишда билдирди. Унда ХКА фахрий Президенти, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ўзбек курашини жаҳон спорт майдонларидаги ривожланишига қўшаётган улкан ҳиссаси деб эътироф этилган ва буни "Кураш бўйича Ислом Каримов турнири деб номлаш таклифи киритилган эди. Ушбу таклиф ХКА томонидан муносиб қўллаб-қувватланди. Британия Кураш Ассоциацияси биринчи бор Ислом Каримов турнирини юқори савияда ўтказиш учун жуда катта тайёргарлик ишларини ўтказди.

— Узоқни кўриб иш бошланган ушбу мусобақада қарийб 70 дан ортиқ полвонлар ўз вазнлари бўйича ғиламга чиқишди. Улар орасида ўзбекистонлик курашчилар ҳам бўлиб, уларнинг асосий рақиблари қироллик курашчилари, аниқроғи Британия ва Ирландия спортчилари ҳисобланади, — дейди республика Кураш Федерацияси Президенти, республика "Камолот" жамғармаси раиси Комилжон Юсупов.

Британия Кураш Ассоциациясининг тарқатган хабарларига кўра, Бедфордда бўлиб ўтган тадбирга етарлича, ҳар томонлама тайёргарлик кўрилган. Қироллиқнинг турли чеккаларидан ташриф буюрган барча вазн ва турли ёшдаги курашчилар таркиби аниқланган. Жумладан, Ўзбекистондан ҳам олти нафар полвонлар иштирок этишди. Турнирда қатнашувчи полвонлар ўзаро 7 та гуруҳга бўлиниб, 8 ёшдан 35 ёшгача бўлган спортчилар гиламга чиқишди. Мусобақада 25 кг вазндан тортиб, 100 дан юқори вазнлардаги курашчилар орасида қизлар, аёллар, эркак ва ўсмирлар, фахрийлар ҳам ўрин олган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ХКА Ижроия Қўмитаси билан келишилган ҳолда БКА келаси йилдан бошлаб кураш бўйича Ислом Каримов турнирига анъанавий халқаро турнир мақомини беришни мўлжалламоқда. Британияликлар фикрига кўра, ушбу турнир ўзбек курашини Бирлашган Қироллиқда ва бутун дунёда янада оммалашувига катта ёрдам беради.

Дарҳақиқат, аввал тўйларда, турли базмларда, байрамларда доимий ташкиллаштирилган курашимиз эндиликда халқаро турнирларда, мусобақаларда давом эттирилмоқда. Курашимиз дунё бўйлаб парвоз қилиб, тан олинмоқда.

Кеча ушбу турнир якунланди. Унда ўзбек полвонлари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб, турли вазн тоифаларида ғолиблиги қўлга киритишди. Ғолиб ва совриндорлар ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида танишасиз.

Беҳбуд БОТИРОВ,
"Маърифат" мухбири

ИНТЕРНАТДАГИ ИЖОБИЙ ИШЛАР

Хива шаҳридаги 121-сон махсус мактаб-интернатида кўзи ожиз болалар тарбияланадилар.

Ўтган 3 йил ичида АҚШ, Англия, Германия, Швеция давлатларининг Ўзбекистондаги ташкилотлари билан ҳамкорликда, бажарилган ишлар натижасига кўра мактаб-интернатга бюджетдан ташқари катта маблағлар олиб келинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 сентябрда қабул қилинган "1999-2000 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таминлаш дастури тўғрисида"ги қарорини бажариш мақсадида Канада мамлакатининг Россиядаги элчихонасига мактаб-интернат базасини мустаҳкамлаш, ногирон болалар яшаш тарзи ва маънавиятини яхшилаш учун бюджетдан ташқари маблағлар топиш, мактаб-интернат қошида кичик корхона очиш учун грант лойиҳаси тайёрлаб юборилган эди. Ана шу грант лойиҳаси Канада элчихонаси томонидан маъқулланиб, Канада мамлакати валютаси билан 10000 долларлик грант олишга муваффақ бўлдик.

Ҳозирда мактаб-интернат қошида кичик корхона очиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Яна бир лойиҳа Нидерландия мамлакатининг Россиядаги элчихонасига юборилиб, бунда мактаб-интернатда таълим-тарбияни давлат таълим стандартлари талаби даражасига чиқариш учун синф, ётоқхоналарни жиҳозлаш масаласи кўзда тутилган.

Ҳар йилгидек, 1998-99 ўқув йили ҳам мактаб-интернат жамоаси ҳаётида катта қувончли йил бўлиб, Республика фанлар олимпиадасида ўқувчиларимиз Ганишер Саидов математика фанидан биринчи ўринни, Икром Ражапов она тили ва адабиёт фанидан иккинчи ўринни олишга муяссар бўлдилар. Бу кўрсаткич бутун Хоразм вилоятининг таълим соҳасида рейтинг тизимидаги ўрнини юқорига кўтаришда катта кўмак бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда "Кўзи ожиз болаларни ҳаётга тайёрлаш ва таълим-тарбия жараёнини янги услубда такомиллаштириш борасида халқаро ташкилотлар билан ишлаш" мавзусида семинар-кенгаш ўтказилиб, мактаб-интернат иш тажрибаси ўрганилиб, республикада оммалаштирилмоқда.

Ана шу оммалаштирилган иш натижаларига кўра, "Ўзбекистонда таълим жараёнини ўз ичига олувчи сиёсат ва унинг амалда бажарилиши" номли мақола шу йил 24-28 июль кунлари Манчестер (Англия) шаҳрида бўлиб ўтган 5-Халқаро махсус таълим конгрессида яхши кутиб олинганлиги интернат ҳаётидаги яна бир ютуқ бўлди.

Бу йил "Соғлом авлод" дастурини амалда бажариш мақсадида ногирон ўқувчиларнинг соғлиғини тиклаш, уларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил қилиш бўйича вилоят халқ таълими бошқармаси кўрсатмасига биноан, мактаб-интернатимиз қошида ёзги соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Оромгоҳда 70 нафар ногирон ўқувчиларга барча қулайликлар, шарт-шароитлар яратиб берилди. Улар билан ҳар куни турли хил тарбиявий тадбирлар, спорт мусобақалари, воҳамиз шоирлари билан учрашувлар мунтазам ўтказилди. Оромгоҳда дам олаётган ўқувчиларга Ўзбекистон, Швеция, Германия ҳаво йўллари авиакомпанияларининг вакиллари ташриф буюриб, хайр-эҳсон кўрсатиб, 110000 сўм пул, турли хил кийим-кечаклар ва совғалар туҳфа қилдилар.

Бу ижобий ишлар "Соғлом авлод йили"да ногирон болаларнинг маънавий-руҳий юксалиб, ватанни севиб, эркин ва озод яшашларига, ўзларини бошқалардан кам ҳис қилмасликларига катта имконият яратмоқда ва руҳан қўллаб-қувватламоқда.

Полвонназар ОТАЖОНОВ,
Хива шаҳар 121-сонли махсус кўзи ожиз болалар мактаб-интернати директори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Xullas...

ҒАЗАБ КУРАШГА ЧОРЛАДИ

Эстониянинг Тарту шаҳар аҳолиси қўлбола ароқ ва сигарета билан тирикчилик қилаётганларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмоқда. Маҳаллий полиция вакилларининг таъкидлашича, агар куюнчак аҳолининг ёрдами бўлмаса, улар билан умуман курашиб бўлмайди. Бундай ёрдам туфайли ноқонуний сотилаётган маҳсулотлар сони полицияда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 бараварга ошди.

Социологларнинг фикрига кўра, фаолликнинг ошиши одамларнинг ғазабланиши ёки нафрати билан боғлиқ. Аҳолининг фикрича эса, ноқонуний моллар бор жойда, албатта, зўравонлик, босқинчилик пайдо бўлади ва уюшган жиноятчилик авж олади.

Кузатувчи бўлиб жим туриш аслида жиноятларнинг кўпайишига имкон яратади. Хулоса шуки, Тарту шаҳри бундай ҳолатдан мустасно.

ҲУКУМАТ ҚАРОР ҚИЛДИ...

Молдавияда давлат ташкилотлари раҳбарларига тўланадиган маош миқдорини камайтиришга қарор қилинди. Чунки улар ўзлари бошқараётган ташкилот, корхоналарда маош, мукофот пулларини пачкалаб олган вақтда республикадаги ишлаб чиқариш корхоналарининг минглаб ишчи-хизматчилари икки-уч ойдан бери ўз иш ҳақларини олмаган бўлардилар.

Республикада пайдо бўлган бундай вазиятни тушунган ҳукумат аъзоларига халқ оммаси тасанно айтмоқда.

ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН ТАНЛОВ

Уфа шаҳар давлат автомобиль назорати ходимлари ҳали тарихда қайд қилинмаган танлов уюштирди. "Энг кўп ичувчилар танлови" деб номланган бу тадбирда Роберт Хуцишвили барча рақибларидан устун келди.

Кейинги етти йил мобайнида бу жаноб беш маротаба кўнгилсиз ҳодисаларни содир этган, 14 марта йўл патрул хизмати ходимлари томонидан ичган ҳолатда "ушланган" ва яна беш марта ҳайдовчилик гувоҳномасисиз қўлга тушган.

Қизиғи шундаки, Роберт ўзи кутмаган ва билмаган ҳолда танлов "ғолиби" бўлди. ДАН ходимлари бундай танловни уюштириб, шаҳардаги ичувчи-ҳайдовчилар сонини аниқлаб олишга муваффақ бўлди.

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Темиров Ҳусанбой Мамажонович номига берилган 0709371 рақамли хусусий тадбиркор гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Sport maydonchasi

ҲАКАМЛАР САРАЛАНДИ

Ливан—2000 баҳслари арафасида Осиё Футбол конфедерацияси яшил майдонларда ҳакамлик қилувчилар рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатда ўзбекистонлик Ғайрат Каримов ҳам бор ва у Осиёдаги энг яхши 24 ҳакам қаторида эътироф этилди.

"СУҒДИЁНА"ДА ЯНГИЛИК

31-тур учрашувлари олдидан "Сўғдиёна" жамоаси раҳбарлари таркибида ўзгариш бўлди. Бош мураббий Суюн Муртозоев ўз вазифасидан озод этилгани боис жамоада мураббий сифатида фаолият юритган Диёр Файзиев жамоага бош мураббий этиб тайинланди.

МУШТАРИЙГА "ТИКО"

«Ўзбекистон футболи» ва «Спорт» газеталари таҳририяти янги асрнинг зукко газетхонлари учун "XXI аср мушторийси" танловини ўтказадиган бўлди. Танловда "Спорт" (ўзб., рус), "Ўзбекистон футболи" газетасига обуна бўлганларгина қатнашиши мумкин.

ТЕРМАМИЗ ЙИҒИНДА

Юрий Саркисян бошчилигидаги Ўзбекистон футбол терма жамоаси Фарғонада йиғилди. 30 нафар футболчилардан саралаб олинган жамоа Ливан—2000 сари йўл олади. Улар 4 октябрда "Нефтчи" ва 8 октябрь куни эса Тошкентда Туркманистон терма жамоаси билан учрашув ўтказади.

БАЙРАМНИ БЕЗАДИЛАР

Мамлакатимизда нишонланган 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами кунида деярли ҳар бир туман ва шаҳар марказларида спорт мусобақалари ташкиллаштирилди. Уларда миллионлаб ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Маҳаллий ҳокимликлар ва халқ таълими бўлимлари мусобақаларнинг бош ташкилотчилари бўлди.

УСТОЗ ҚОЛДИРГАН ИЗЛАР

Мен Низомий номидаги ТДПИда ишлаб юрган кезларимдаёқ бир иш юзасидан маслаҳат сўраб, уша вақтлар туман халқ таълими бўлимини бошқариб келаётган тажрибали педагог Саидакбар Саидаҳмедов билан учрашган ва уларнинг қимматли маслаҳатларини олган эдим.

Ажойиб инсон, жасур жангчи, моҳир педагог, халқ ўқитувчиси Саидакбар Саидаҳмедов умрининг охиригача ёш авлодга давр талаби даражасида таълим-тарбия бериб келдилар.

Тошкентлик косиб Саидаҳмад ака сергайрат, чаққон ўғилчаси Саидакбарнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берган эканлар. Саидакбар ихлос билан савод чиқарди. Тошкент шаҳридаги алоқа билим юртини, кейинчалик Тошкент Давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан битирди. Ёш педагог ўз ихтиёри билан узоқ вилоятларга бориб ишлаш истагини билдиради ва уни Қашқадарё вилоятининг Косон туманига ўқитувчи қилиб юборишади. С.Саидаҳмедовдаги ташкилотчилик қобилиятини кўрган туман халқ таълими бўлими сал фурсат ўтмай, уни мактаб директори вазифасига тайинлайди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши биланоқ, С.Саидаҳмедов биринчилар қаторида кўнгилли бўлиб жангга отланди. Волков фронтида, кейинчалик 8-армия таркибида жанг қилиб, Ленинград қамалини бошдан кечириб, урушни кўкси тўла жанговор орден ва медаллар билан тамомлаб, Тошкентга қайтди ва туман халқ таълими бўлимининг бош инспектори, кейинчалик туман халқ таълими бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатди.

Мактаб Саидакбар ака учун ҳақиқий педагогик ҳаёт тажрибаси бўлиб хизмат қилди. Таълим-тарбия ишларини педагогик жамоа, ўқувчилар, ота-оналар ҳамда жамоатчилик билан биргаликда юқори погонага кўтаришда С.Саидаҳмедов ўзининг етук ташкилотчилик қобилияти ва билимини тула намоён этди. Тажрибали педагог республикамизнинг атоқли халқ ўқитувчилари Оқилхон Шарофутдинов, Аъзамхон Рустамов, Мирзақаюм Ҳокимов, Раҳимжон Усмонов, академик Сиддиқ Ражабов, профессор Эминжон Қодировлар қаторида ёш авлодга таълим-тарбия беришни янада такомиллаштиришда улкан ҳисса қўшди.

У ўзининг педагогик фаолиятида "Инсон тарбия маҳсули" деган тамойилга оғишмай амал қилиб, тарбиянинг ҳар бир элементини турмушга татбиқ этишда ўқитувчи шахсига, уни ураб турган ижтимоий муҳитга синчковлик билан қарар, ўқувчиларни ҳар бирининг шахсини атрофлича ўрганар, исм-фамилияси, яшаш жойи ва ота-оналари тўғрисида маълумотга эга бўлишга ҳаракат қиларди.

Устоз ўгитларида ўқувчи томонидан қолдирилган ҳар бир соат дарснинг сабабини аниқлаш катта тарбиявий аҳамият касб этар эди. Чунки бунда, биринчидан, ўқувчи тўла назорат остига олинса, иккинчидан, дарс вақтида унинг мактабдан ташқарида нохуш хатти-ҳаракат қилиши учун имкон қолмайди. Учинчидан эса, ўқувчининг қолдирган дарс соатлари, албатта, синф раҳбари орқали унинг ота-оналарига маълум қилинадики, улар фарзандларидан доимо огоҳ этилиб турилади. Хуллас, бу каби қатъий талаблар Саидакбар ака директорлик қилган даврда, пойтахтдаги 81-мактабда том маънода ижобий ҳал этилган эди.

Устоз, айниқса, таълимда кўргазмали қуроллар, техника воситаларидан кенг фойдаланиш, мактаб қошидаги тажриба ер майдони, иссиқхона ва боғдаги ишларга уларни жалб этишга алоҳида эътибор берар эди. Мактабнинг биология участкасида тажриба ишларини илмий-методик жиҳатдан яхши йўлга қўйилиши эса уни бир неча бор махсус ёрлиқлар билан тақдирланишига олиб келган эди.

Саидакбар аканинг маънавияти бой, моҳир, жонқуяр педагоглиги, раҳбарлиги ҳаётнинг кундалик чорраҳаларида янада яққол кўриниб турар эди.

Каминага Оллоҳ таоло аввалига кетма-кет олти нафар қиз, сўнг икки нафар паҳлавон ўғил ато этди.

Икки паҳлавон ўғилнинг ато этилиши мен учун интиқом бўлди.

Сени Оллоҳ ато этган кун
Интиқом кунлигин асло билмабман.

Шукроналар қилиб, ибодат этиш ўрнига
Дўстлар билан базму жамшид қурибман.

Етти нафар фарзандни соғсаломат дунёга келтириб, оқ ювиб, оқ тараган умр йўлдошим Иқболхон иккинчи ўғлим дунёга келганидан кейин олтмишинчи куни, мени саккиз нафар бола билан дога қолдириб, дорулбақога рихлат этди. Шу боис, иккинчи ўғлимга Иқболхондан қолган сўнгги хотира дея, Ёдгорхўжа деб исм қўйдик.

Юқорида қайд этганимиздек, Саидакбар ака ҳар бир ўқувчининг уй шароитидан тортиб, унинг ақлий ва жисмоний хусусиятлари, имкониятларига теран ёндашар, бу борада вақтни қўлдан бой бермасди. Шу боис бўлса керак, ўғлим Ёдгорхўжа ҳам кўп қийинчиликлар билан соғ-саломат катта бўлиб, мактаб ёшига етгач, уни мактабнинг куни узайтирилган гуруҳида назоратда тутиш, юқори синфларга утгач, бошлангич ҳарбий таълим хонаси ва мактаб жисмоний тарбия майдонларини жиҳозлаш ишларига масъул этиб қўйиб, кейинча ундаги ташкилотчилик қобилиятларини камол топтириб бориб, мактаб ўқувчилар кенгаши раислигигача булган ишларга жалб этди. Мақсад, табиийки, боланинг оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда, уни ижтимоий, фойдали меҳнатга жалб этиш эди.

Моҳир педагог, халқ ўқитувчиси Саидакбар ака Саидаҳмедовнинг сермазмун умри, бу улуғ инсоннинг раҳбар-педагог сифатидаги маънавий фазилатлари барчамиз учун ғоят ибратлидир.

Турғун ҳожи ТОШПЎЛАТОВ

Ko'ngil bitiklari

Ғуссаю фарёд бирлан бўлмади кўнглим обод,
Ғам-ҳижрон чеккан бирлан бўлурми эмди озод.

Аламсиз бир лаҳзага сездим ҳарчанд эҳтиёж,
Бусиз кечмагач умр ўлди эҳтиёж-фарёд.

Бу қандайин ишқ экан, сезмас ишққа эҳтиёж,
Ишқсиз қурилган бино бўлғуси эрта барбод.

Найлайин овворaман, хотирин кўйида ман,
Хотирим куйида ул лаҳзага айламас ёд.

Васл раҳмин солгилу телба кўнглимга, ё раб,
Умид этдим раҳмидан қиларму деб бир кун шод.

Бўлдиму савдойиси, йиғласам айб айламанг,
Йиғлай-йиғлай охири ишқ уйин қилгум бунёд.

Унут ишқнинг тождори Ўктам эрса, не ажаб,
Бандликдан Мажнунни эмди айлангиз озод.

Қилсалар мени агар ёри ниҳондан жудо,
Этгай гулни булбулдан ёхуд ризвондан жудо.

Тахтни тождордан жудо, тождорни тахтдан, ёхуд,
Фанои муаллахни соҳибқирондан жудо.

Мен киби тахтдан жудо, тождору тождан жудо,
Ўлса тождордан жудо, шул кун у жондан жудо.

Ким агар жондан жудо, бўлғуси ғамдан жудо,
Ғаму жонидан жудо, ул кун жонондан жудо.

Демангиз ғамдан жудо, балки ҳижрондан жудо,
Ўлдим андуҳдан жудо, асли жаҳондан жудо.

Кеча оқшом хотирин булбули шарҳ айлади,
Айлади ул кўнглимни моҳи тобондан жудо.

Десалар ёрдан жудо, дегайсиз ишқдан жудо,
Бугун, балки эртага Ўктам пинҳондан жудо.

Ўктам ҲАКИМАЛИ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ

(Ҳажвий ҳикоя)

Бир куни мактаблардан бирига текширувчи келди. Бир синфда математика дарси борарди. Текширувчи билан мактаб мудири синфга киришди. Текширувчи мактаб мудирига деди: "Учта энг яхши ўқувчини доскага чиқарсак, уларнинг билимларининг қай даражадалигини билиб олардим." Бир бола доскага чиқди ва берилган масалани яхши бажарди. Кейин ўз жойига ўтирди. Иккинчи бола ҳам масалани аълога ёзиб, жойига ўтирди. Учинчи ўқувчи доскага чиқиб, ҳаяжонланганича турарди. Бўрни олиб доскага ёзаётганида текширувчи уни таниб қолди. Бу бола доскага биринчи бўлиб чиққан ўқувчи эди. Текширувчи унга тикилиб туриб, сўради: "Бу нима қилиқ?! Эй, бола, мен билан ҳазиллашяпсанми? Сен ҳозиргина чиқиб, масалани ечган эдинг-ку! Ёки адашяпманми?"

Ўқувчи гуноҳкорларча кулиб деди: "Кечирасиз, жаноб! Мен бошқа бир ўқувчининг ўрнига чиққан эдим".

Текширувчи жаҳл билан қичқирди: "Бошқа ўқувчининг ўрнига?! Шунча йил ишлаб биринчи марта бундай ҳодисага дуч келиб турибман".

Ўқувчи мулзам бўлганча бошини қуйи солиб турарди. Ҳамма ўқувчилар текширувчи нима деркин деб кутиб туришарди. Текширувчи қовоғини солганча сўради:

— Қайси ўқувчининг ўрнига?

— Энг яхши дўстимнинг ўрнига чиқдим, чунки у футбол томоша қилишга кетган.

Текширувчи ўқитувчига юзланиб деди: — Жуда яхши, жаноб муаллим. Сиз нега бу ўқувчининг доскага чиқишига рухсат бердингиз? Бу ўқувчининг биринчи бўлиб чиққанини билардингиз-ку!.. Шундай бўлса-да, сиз бемалол турдингиз ва болакайнинг менга қандай томоша кўрсатишини кузатдингиз.

Ўқитувчи вазиятни тушунтирмоқчи бўлиб деди:

— Олдингизда жуда хижолатдаман, жаноб. Мен бу синфдаги ўқувчиларни яхши танимайман.

Текширувчи қичқириб юборди: — Муаллим ўз ўқувчиларини танимаслиги мумкинми?! Мен сизни тушунолмай қолдим.

Муаллим: — Мен бу синфнинг ўқитувчиси эмасман...

— Унда бу синфда нима қилаяпсиз?!

— Бир ўқитувчининг ўрнига кириб тургандим. У ҳам футболга кетганди.

Текширувчининг юзида самимий табассум пайдо бўлди. Бир оздан кейин қўлларини пахса қилиб деди: — Яхши, худога минг қатла шукр қилинглар. Мен ҳам бошқа текширувчининг ўрнига келган эдим. Ахир дўстим ҳам футбол кўришга кетганди. Агар ўзи келганида шўрингизга шўрва тўкиларди.

Форсийдан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Шерали НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-917. Тиражи 19.037. Г.
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.30.